

ISSN: 2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



ИМАКТОР  
PAGES



ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-1>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

*Тарих фанлари*

**БОТИРОВ Бобур Баходир ўғли**

*Ўзбекистон Миллий университети “Тарих” факультети  
магистранти*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7585239>

## **ХИХ АСР ОХИРИ – ХХ АСР БОШИДА ТОШКЕНТДА МЪЕМОРЧИЛИК ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада ХИХ аср охири – ХХ аср бошида Тошкент шаҳрида меъморчилик, русларнинг шаҳарни босиб олгандан кейинги ўзгаришлар, шаҳарда руслар томонидан олиб борилган қурилиш ишлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳамияти ҳамда қурилиш ишларининг кўлами ва тарзи ҳақида сўз юритилади. Мақолада, шунингдек, ўлкага руслар босқини натижасида кириб келган янги меъморчилик услублари, уларнинг ўлка меъморчилигига таъсири, Тошкентда қурилган янги бинолар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда шарқ ва европача меъморчилик услубларининг ўзаро таъсири ҳақида маълумот берилади.

**Калит сўзлар:** меъморчилик, тарих, эски шаҳар, янги шаҳар, ҳарбий қалъа, темир йўл, радиал-ҳалқа, архитектор, тош йўл, генерал-губернатор, пишиқ ғишт, карнизлар, композиция.

## **ОБМЕН ПОСОЛЬСТВАМИ И НАЧАЛЬНЫЕ КОНФЛИКТЫ МЕЖДУ АМИРОМ ТЕМУРОМ И БОЯЗИДОМ ЙЫЛДИРИМОМ**

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматривается архитектура города Ташкента в конце 19 – начале 20 века, изменения после оккупации города русскими, строительные работы, проводимые русскими в городе, их специфика, значение, а также объем и стиль строительных работ. В статье также описаны новые архитектурные стили, проникшие в страну в результате русского вторжения, их влияние на архитектуру страны, новостройки, построенные в Ташкенте, и их особенности, отличия восточного и европейского архитектурных стилей, предоставлен.

**Ключевые слова:** архитектура, история, старый город, новый город, военный форт, железная дорога, радиально-кольцевая, архитектор, каменная дорога, генерал-губернатор, кирпич, карнизы, композиция.

## **EMBASSY EXCHANGES AND INITIAL CONFLICTS BETWEEN AMIR TEMUR AND BOYAZID YILDIRIM**

### **ANNOTATION**

This article discusses architecture in the city of Tashkent at the end of the 19th - beginning of the 20th century, changes after the occupation of the city by the Russians, the construction works carried out by the Russians in the city, their specific characteristics, importance, and the scope and style of construction works. is conducted. The article also describes the new architectural styles that entered the country as a result of the Russian invasion, their influence on the country's architecture, new buildings built in Tashkent and their characteristics, and the differences between Eastern and European architectural styles. information about the interaction is provided.

**Key words:** architecture, history, old town, new town, military fort, railway, radial-ring, architect, stone road, governor-general, brick, eaves, composition.

Туркистонда Россия империяси томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмида ўрнатилган мустамлакачилик тузуми нафақат маҳаллий аҳолини сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этди, балки миллий маданий қадриятларини таҳқирлади. Ўлкада руслаштириш сиёсатини зўравонлик билан сингдириш бошланди, рус-тузем мактаблари кўпая борди. Россия Туркистон ўлкасига маданият олиб келган, деган сохта фикрлар ташвиқ қилина бошланди. Бу даврда Туркистонда жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан бирга, унинг маданий ҳаётида тез ва шиддатли ўзгаришлар рўй берди. Шу жумладан, меъморчиликда ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Подшо Россияси таъсирида ўлкага Европа меъморчилиги анъаналари ва услублари ҳам мажбурий равишда кириб кела бошлади. Ушбу тадқиқот иши бу даврда Тошкент меъморчилигида юз берган ўзгаришлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритади.

Тадқиқот ишининг адабиётлар таҳлили ва методологиясига келсак, мавзу шу пайтгача алоҳида ўрганиш объекти бўлмаган. Турли муаллифлар асарларида фрагмент (парча) тарзида ўрганилган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, мавзу доирасидаги маълумотлар, асосан, архитектура, меъморчилик ва маданият тарихига бағишланган асарларда учрайди. Тадқиқот мавзусига оид маълумотларни М.А.Короли, М.Р.Жўраев, Б.А.Баймухамедов ҳаммуаллифлигида ёзилган “Замонавий Тошкент (Меъморчилик тарихи ва анъаналари)” асари, Т.Ш.Маматмусаевнинг “Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши” номли архитектура бўйича фан докторлик (дсс) диссертацияси, К.Норматов, Ш.Қ.Алимов, Р.У.Эрназаров ва бошқаларнинг “Маданиятшунослик” китоби, М.К.Аҳмедовнинг “Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи” асари, А.С.Писарчикнинг “Самарқанд халқ меъморчилиги” монографияси, Ж.Исмоилованинг “XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи” асари, М.М.Вахитов, Ш.Р.Мирзаевнинг “Меъморчилик тарихи” ҳамда У.Қорабоев, Г.Соатовнинг “Ўзбекистон маданияти” асаридан олишимиз мумкин.

XIX аср иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Туркистонга руслар босқини натижасида янгича Европа усулидаги меъморчилик услублари кириб кела бошлади. Бу жараён бир нечта асосий омиллар асосида содир бўлаётган эди.

Биринчидан, Ўрта Осиёга руслар кириб келгандан сўнг, улар шаҳар арки ҳамда кўрғон деворини бузишган ва рус қалъаларини бунёд этишган. Бундай қалъалар соф ҳарбий кўринишга эга бўлиб, асосан, таянч ва назорат қилиш учун қурилган эди. Масалан, 1865-йилнинг ёз ва куз ойларида барпо этилган янги иншоотлардан шундай мақсад кўзланган. Буларнинг асосийси Тошкент босиб олинганидан сўнг дарҳол қурилиш ишлари бошлаб юборилган янги қалъа эди. Бу қалъа олти бурчакли кўринишга эга бўлиб, 1865-йилнинг сентябр ойида бутунлай қуриб бўлинди. Унинг учта дарвозаси бўлиб, шаҳарни босиб олишда жонбозлик кўрсатган ҳарбий зобитларнинг. номи билан, яъни Обуха, Хмелев, Месятсев деб аталган эди. Қалъанинг ичида эса, 6 та пиёда аскарлар ротаси учун турар жой бинолари, 150 ўринга эга бўлган ҳарбий шифохона, ўқ-дори омборлари жойлашган.

Бу ерда ҳарбий қурилишлар катта гуруҳининг жойлашганлиги тасодифий эмас эди. У Қўқон ва Қошғар дарвозаларига элтадиган йўлни назорат остига олган бўлиб, зарурат туғилган ҳолларда қўшинларни эски шаҳар марказига зудлик билан ташлаш имконини яратган [6, Б.75]. Бундан ташқари, рус қўшинларининг бостириб киришлари ва хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлар натижасида ХВИИИ асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида меъморий обидаларнинг кўпчилиги вайрон қилинган ва қайта тикланиши зарур бўлиб қолган эди [6, Б.55].

Иккинчидан, рус капитализми, бошқа тил ва диндаги халқнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиб ўрнашиши бевосита шаҳар тузилишига таъсир кўрсатди [2, Б.120].

Учинчидан, айрим маҳаллий ҳукмдорларнинг меъморчилик соҳасида ўтказган ислохотлари натижасида янгича услублар ўлкага кириб келди. Масалан, XX аср бошларида Қўқон хонлигида ислохотлар ўтказилди. Ислохотларнинг бошида Худоёрхон турар эди. У ички сиёсий ислохотларни ўтказишдан ташқари, янги таълим мактаблари, шифохона, дорихона, алоқа бўлимларини куриш зарурлигини англаб етди ҳамда уларни куриш учун зарур маблағлар ажратди. Қурилишнинг янги тамойиллар асосида олиб борилишига, четдан олиб келинувчи материаллардан кенг фойдаланишга катта эътибор берилди. Қурилишда маҳаллий усталар билан биргаликда таклиф қилинган архитекторлар ҳам фаол иштирок этдилар [6, Б.61].

Тўртинчидан, XX аср бошида шаҳарлар структурасига темир йўлларнинг ўтказилиши ҳам катта таъсир кўрсатган. Жумладан, шаҳарларнинг темир йўллар ўтган ҳудудларида ишлаб чиқариш зоналари ривожланган. Бу жиҳат бугунги кунда ҳам шаҳарлар структурасида яққол кўзга ташланади [7, Б.26]. Ўлкада темир йўл транспортининг пайдо бўлиши, тош йўл ва ободонлашган рус шаҳарчаларининг қурилиши, қишлоқ хўжалигида баъзи рационал усуллар ва янги экинларнинг жорий қилиниши деҳқончилик ва ҳунармандчиликда анча такомиллашган қуролларни ишлатиш каби ўзгаришлар маҳаллий халқларнинг хўжалик-маданий ривожига ҳамда маиший турмуш тарзига аста-секин ижобий таъсир кўрсата бошлади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Жиззах каби шаҳарларда бой табақа вакиллари – рус турар жой иншоотларига ўхшаш уйлар кура бошладилар [1, Б.190].

Ана энди Тошкентдаги асосий қурилиш ишларининг бошланиш тарзи ҳақида сўз юритсак. Тошкент шаҳри XIX аср ўрталарида Қўқон хонлиги таркибига кирар эди. Тошкент Россияга қўшилгунга қадар (1865-йил) пахса-девор билан ўралган, майдони 1,6 минг га бўлган (аҳолиси 80 минг киши). 1865-йилдан кейин Анҳорнинг чап соҳилида Туркистон ўлкасининг маъмурий маркази - янги шаҳар ташкил топа бошлаган; қадимги Тошкент эса (маркази ҳозирги Охунбобоев майдони) Эски шаҳар номини олган. Эски шаҳарда халқ меъморчилиги анъаналари асосида қурилган кўплаб иморатлар пухта ва шинамлиги, зилзилага чидамлилиги, иссиқ иқлимга мослаштирилганлиги билан ўзига хос бўлган [3, Б.243]. Тошкент Россия томонидан 1865-йилда босиб олинди. Тошкент Россия тасарруфига ўтказилганидан сўнг унинг ҳудудида ҳарбий қисмлар ва бошқарув идоралари учун янги бинолар бунёд этилди. Қўймас дарвозасидан шарқда янги қалъа Тошкент Тупроққўргони қурилди. Унинг ичида казармалар, офицерларнинг уйлари, 150 ўринли ҳарбий шифохона, ўқ-дори омбори бўлган [6, Б.61]. Тупроққўргоннинг қурилиши янги қисмнинг бунёд этилишидаги биринчи қадам бўлди. Балангликда жойлашган ушбу қалъа “эски” шаҳарни назорат қилиш ва “янги” шаҳарни қўриқлаш имконини яратди. Қалъа рўпарасида М.Г.Черняев учун унча катта бўлмаган уй қурилиб, бу рус қўшинларининг Тошкентни босиб олгандан кейин юзага келган биринчи европа усулидаги уй бўлиб қолди. Шу тариқа тарихий шаклланган шаҳарни ҳисобга олмаган ҳолда у билан ёнма-ён шаҳарнинг “янги” қисми қурилиши бошланди. Дастлабки қурилишлар, асосан, ҳарбий истеҳком типидagi иншоотлардан иборат бўлди [5, Б.6].

Рус шаҳарлари дастлаб қалъа девори ичида режалаштирилган бўлиб, секин-асталик билан кенгайган. Тошкентда рус шаҳри ўлкада шаклланган шаҳарсозлик қонуниятлари асосида, яъни пиёда юриш радиуси 1500 м бўлган қонуният асосида режалаштирилган эди. Бундай “янги шаҳарлар” айрим қадимий шаҳарларнинг чеккаларида, ёнларида, улардан маълум бир масофада вужудга келди. Самарқандда ва Тошкентда дастлабки “янги шаҳарлар” қадимги қалъалар бузиб, уларнинг ўринларида қурилади. Эски ва янги қисмлардан иборат бундай шаҳарлар, кейинчалик “икки қисмли” ёки “икки структурали” шаҳарлар деб номланган. Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида янги шаҳар бўш ҳудудда уч нурли режада шакллантирилади. 1865-йилда Тошкент шаҳрида Писаревскийнинг лойиҳаси асосида ўрда ҳудудидан қарийб 700 м жануброқда рус қалъаси бунёд этилади. Писаревскийнинг 1866-йилдаги лойиҳасига асосан рус шаҳри қалъадан жанубга қараб радиал-ҳалқасимон тарзда ривожланиши керак эди. Лекин Туркистон генерал губернаторлигининг Тошкентни марказ қилиш мақсади бу лойиҳанинг амалга ошишига имкон бермайди [7, Б.24].

Тошкент янги шаҳар қисмининг биринчи қатъий тартибдаги меъморий лойиҳаси 1866-67-йилларда ҳарбий топограф М.Н.Колесников томонидан тузилган.

Мазкур меъморий режа – лойиҳа асосида ҳозирги Мустақиллик майдонининг ёнгинасида Туркистон генерал-губернатори саройи (Оқ уй), Византия услубидаги кўнғироқхонали Спас Преображение собори қурилган. Бошқа бир қатор маъмурий-жамоат бинолари, шу жумладан, Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси, унинг Сирдарё вилоят бошқармаси, шаҳар думаси биносини қайд этиб ўтиш мумкин.

Шаҳар янги қисмининг иккинчи лойиҳаси 1870-йилда ҳарбий-муҳандис А.В.Макаров томонидан тузилган. Режа лойиҳасида шаҳар кўчаларини кенг қилиб қуриш, тез суръатлар билан бораётган қурилишда биноларнинг ички уйғунлигига ва ташқи кўркемлигига этиборни қаратиш, кўчаларни кўкаламзорлаштириш, эски боғларни сақлаб қолиб, улар асосида хиёбонлар барпо этиш кўзда тутилган эди [6, Б.75].

Бу меъморий режа-лойиҳа асосида шаҳарда бир қанча бинолар барпо этилди, уларнинг айримлари ҳозирги давргача сақланиб қолган. Қуйидаги жадвалда айрим бинолар келтириб ўтилди.

*1-жадвал*

<i>Бино номи</i>	<i>Қурилган даври</i>	<i>архитектор</i>
Буюк княз Н.К.Романов саройи	1889-90-йиллар	А.А.Бенуа, Б.С.Гейнселман
Ҳозирги Антика ва заргарлик буюмлари музейи биноси	---	---
шаҳар боғи (ҳозирги Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи)	1882-йил	---
Офицерлар уйи (ҳозирги Округ офицерлар уйи)	1882-йил	---

Бу даврда шаҳарнинг ривожланишига Закаспий (1899) ва Оренбург (1906) темир йўлларининг қурилиб ишга туширилиши катта таъсир кўрсатади. Чунки темир йўлнинг атрофларида турли-туман саноат корхоналари, пахта тозалаш, вино, ёғ заводлари, темир йўл устахоналари, омборлар барпо этилди.

1885-йилда бевосита генерал-губернаторга бўйсунадиган бош муҳандис раҳбарлигида генерал-губернатор девонхонаси қошида Қурилиш кўмитаси ташкил этилди. XIX асрнинг охирида расмий равишда Тошкентда шаҳар архитектори лавозими пайдо бўлди. Бу лавозимда узоқ йиллар мобайнида рус архитекторлари ишлаб келган. Жумладан, бу даврда В.С.Гейнселман, Г.М.Сваричевский, А.В.Макаров, Н.Ф.Улянов, Е.П.Дубровин, Г.М.Сваричевский, Г.Б.Эппел, К.М.Тилтин, И.А.Маркевич кабилар ишлаганлар. Бундан сўнг ўлканинг бошқа йирик шаҳарларида ҳам шаҳар архитектори лавозими пайдо бўлди [6, Б.76].

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида уй-жой қуришнинг минг йиллик тамойиллари билан асосланган, иссиқликнинг меъёрий режимини яратиш берадиган кўп қаватли миллий уйларнинг лойиҳаларини яратиш, ўзига хосликларини акс эттириш ҳамда ҳажмий-режалаш ишларига алоҳида эътибор берилди бошланди [6, Б.64]. Дастлабки пайтларда шаҳар атрофининг турар жой қурилиши соҳасида меъморчиликда эскириб қолган хусусиятлар кўп даражада сақланган, бозорга яқин жойлашган, савдогалар кўпроқ ўрнашган, янги мода, дид ва манфаатларни олиб келадиган кўплаб хорижликлар келиб-кечиб турган марказий даҳалар биринчи бўлиб барча янгиликларни ўзлаштирган.

Турар жой қурилиши соҳасидаги ушбу ўзгаришлар уй тархининг, режалаштиришнинг ўзгаришида, янги қурилиш материалларини ишлатишда, безаклар билан безашнинг янги усулларини қўллашда намоён бўлади [8, Б.33].

XIX асрнинг охириларида бир қанча маъмурий-жамоат бинолари барпо этилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

2-жадвал

№	Бино номи	Қурилган даври	Архитектор
1	Давлат банки	1895-йил	В.С.Гайнселман
2	Рус-Осиё банки биноси	1910-йил	И.А.Маркевич
3	«Национал» меҳмонхонаси	1917-йил	И.А.Маркевич
4	Подшолик палатаси	1887-йил	В.С.Гайнселман
5	Реал билим юрти	1898-йил	Максимов, В.С.Гайнселман
6	Кадетлар корпуси(ҳозирги 1-Тошми биноси)	1899-1901-йиллар	Г.М.Сваричевский
7	Темир йўл вокзали	1899-1901-йиллар	Г.М.Сваричевский
8	2- аёллар гимназияси (ҳозирги авиация коллежи) биноси		
9	Мария билим юрти (ҳозирги Тошкент шаҳар касб танлаш маркази) биноси	1912-16-йиллар	Г.М.Сваричевский

Шарқ меъморчилиги анъаналаридан фойдаланиш 1910-йилда қурила бошлаган «Хива» кинотеатрининг биноси лойиҳасида кўзга ташланади. Меъморлар ўрта аср маҳаллий меъморчиликка хос бўлган шаклларни: равоқли деразалар, пештоқлар ва панжараларни, бошқа миллий меъморчилик анъаналарини қўллашга интилдилар [6, Б.78].

XX аср бошларида Қўқон хонлигида ислохотлар ўтказилди. Ислохотларнинг бошида Худоёрхон турар эди. У ички сиёсий ислохотларни ўтказишдан ташқари, янги таълим мактаблари, шифохона, дорихона, алоқа бўлимларини қуриш зарурлигини англаб етди ҳамда уларни қуриш учун зарур маблағлар ажратди. Қурилишнинг янги тамойиллар асосида олиб борилишига, четдан олиб келинувчи материаллардан кенг фойдаланишга катта эътибор берилди. Қурилишда маҳаллий усталар билан биргаликда таклиф қилинган архитекторлар ҳам фаол иштирок этдилар. Анъанавий меъморчилик шакллари ва лойиҳа усуллари кўринишида янги йўналишлар пайдо бўлди. Бу ўринда шаҳар марказидаги асосий зиёратгоҳлар – янги усулдаги мактабдан иборат бўлган мажмуанинг қурилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди. У бутун Тошкент устида ястаниб ва жуда узоқ масофадан ҳам кўзга ташланиб турарди [6, Б.61].

XX асрнинг бошларида қурилган биноларнинг асосий қисмини карвонсаройлар ва хонликнинг қароргоҳи ҳисобланган саройлар ташкил этади.

Уларнинг ташқи томонлари, асосан, пишиқ ғишт ёки ғиштни нақшли тартибда териш ва турли кўринишдаги карнизлар билан безалган ҳолда яратилган. Бу биноларнинг ўзига хос хислатлари шундан иборат эдики, улар миллий архитектура анъаналарини ҳам ўзида намоён этар эди. Масалан, бу уйларнинг томлари маҳаллий уй қуриш анъаналаридан, яъни миллий меъморчиликнинг асосий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бир текис қилиб яратилган эди. Европача турдаги, ёзда ўзида иссиқлик манбаини вужудга келтириб, кечки вақтларда турар жойдаги аҳволни ёмонлаштириб юборадиган чердакли кўринишдан воз кечилиб, миллий анъаналарга хос бўлган, ёзда исиб кетмайдиган, атмосферадан ёғиладиган ёғинларнинг кўп бўлмаслигига мосланган ва иссиқдан яхши ҳимоялаш хусусиятига эга бўлган томлар билан ёпилди. Бундай турдаги том ёпиш услуги XX асрнинг бошларида ҳарбий ва бошқа барча кўринишларда асосий ўрин эгаллади. Бундай биноларга намуна сифатида биз жамоат мақсадларига мўлжаллаб қурилган бир қатор бинолар, шунингдек, савдо маркази вужудга кела бошлаган шаҳарнинг шарқий қисмидаги дуконнинг йирик, бир қаватли биносини мисол сифатида келтиришимиз мумкин [6, Б.80].

Янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар шаҳарнинг турар-жой биноларини қуриш меъморчилигига катта таъсир кўрсатди. Маълум даражадаги сиёсий барқарорлик, маҳаллий турар-жой бинолари қурилиши, айти вақтда Тошкентда халқ меъморчилиги анъаналарининг тараққий этишига ёрдам берди.

Тошкент меъморчилигида турар-жой биносининг анъанавий тарзда иккига бўлиниши. яъни ички (шахсий) ва ташқи (қабул ва меҳмонхона) тарзидаги бўлиниши сақланиб қолди ва ривожлантирилди. Бу тарзда бўлиниш бир бутун Туркистон меъморчилик мактаблари учун хос бўлиб, табиий-иқлимий шароитларни ҳисобга олган асосий композиция усулидир. Уйлар қадимгидек, асосан, маҳаллий хомашёлардан ҳамда маҳаллий қурувчи-усталар ва безакчиларнинг лойиҳа усуллари асосида қурилди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу даврда Тошкент меъморчилигининг ўзига хос хусусиятлари сақланиб қолди ва ҳатто миллий ўзига хосликлар европача тарзда қурилган биноларда ҳам яққол кўзга ташланиб туради, аммо рус подшоси маъмурияти билан боғлиқ бўлган ҳамда рус амалдорлари келиб турадиган жуда ҳам бой шахсларга мансуб бўлган бир қанча уйларнинг архитектурасида янги лойиҳавий услублар жорий этила бошланди.

Хазина ҳисобидан олиб борилган қурилишларнинг кўлами озайиб борди. Ўрта асрларда ҳокимлар узларидан ёдгорлик сифатида катта кўшклар, мадрасалар ва масжидларни қолдиришга интиланган бўлса, бу даврга келиб, чор амалдорлари, асосан, ўзларининг манфаатлари учун бино қуриш билангина чекланиб қолдилар [6, Б.82].

Тадқиқот ишимизга хулоса қилар эканмиз, Туркистонга руслар босқини натижасида янги меъморий услублар кириб келди. Бу жараённинг боришига бир нечта омиллар сезиларли даражада таъсир этиб, янги услубларнинг тарқалишига замин яртади. Меъморчилик бу даврда ўзига хос услубни тақазо этиб, уч турда ривожланиб борди. Тошкентда меъморчилик соҳасида жуда кўп ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, янги кириб келган меъморчилик услублари билан бирга маҳаллий меъморчилик услублари омикталаниб, янги турдаги шаҳарсозлик вужудга келди.

Аммо янги услубларнинг кириб келиши баъзи салбий оқибатларга олиб келганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Таассуфки, Европа муҳандислик илми билан бирга кириб келган илғор қурилиш ва меъморчилик усуллари ўзлаштиришда бир ёқламаликка йўл қўйилди. Европадан нимаки кириб келса, барчаси илғор ва аксинча – маҳаллий барча анъаналар зарарли, эскирган, деган нотўғри ақида юзага келди. Натижада бир қатор ижобий меъморий илмлар унутилди. Жумладан, ўрта асрлар меъморчилигимиздаги ҳандасавий уйғунлаштириш усуллари, нақш боғлаш санъати, кошинкорлик, гумбаз, қанослар боғлаш ва шу сингари қатор анъаналар қадрсизланиб, истеъмолдан чиқиб кетди. Бугунги кунда қадимий қадриятлар қайтадан ўрганилиб чиқилмоқда ва ундан фойдаланиш чоралари қидирилмоқда. Шундай бўлса-да, бу давр меъморчилик маданияти тарихда ўзига хос аҳамият касб этди.

**ИҚТИБОСЛАР**

1. Норматов К., Алимов Ш.Қ., Эрназаров Р.У. ва бошқ. Маданиятшунослик: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017.
2. Қорабоев У., Соатов Г. Ўзбекистон маданияти. ЎзР. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: Тафаккур бўстони, 2011.
3. Вахитов М.М., Мирзаев Ш.Р. Меъморчилик: дарслик. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги. Меъморчилик тарихи.: – Тошкент. Тафаккур, 2010.
4. Аҳмедов М.К.Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи: Олий ўқув юрт.учун ўқув қўлланмаси. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи. “Fan va Technologiya”. 2004.
6. Короли М.А., Жўраев М.Р., Баймухамедов Б.А.Замонавий Тошкент (Меъморчилик тарихи ва анъаналари). Ўқув қўлланма, Тош.дав.техн. уни-ти, 1999 й.
7. Маматмусаев Т.Ш. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши. Архитектура бўйича фан доктори (dsc) диссертацияси автореферати. – Т., 2019.
8. Писарчик А.К. Народная архитектура Самарканда XIX – XX вв. Душанбе, Издательство “Дониш”, 1974.

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)



**IMFAKTOR  
PAGES**